O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 29 март, чоршанба • №24 (11.209) • Эркин нархда сотилади

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ВЛАДИМИР ПУТИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Муҳтарам Владимир Владимирович!**

**Сизни Россия Федерацияси Президенти сайловида қатъий ғалабага эришганингиз билан чин юракдан муборакбод этаман.**

**Имоним комилки, сайлов якунлари сизнинг Россия етакчиси сифатида жамиятни жипслаштириш, унинг улкан салоҳиятини Россияни буюк давлат сифатида тиклашга йўналтириш, халқнинг муносиб турмушини таъминлаш, демократия ва тараққиёт йўлидан изчиллик билан ривожланиш борасида бошлаган ишларингизга бўлган юксак ишонч мезонидир.**

**1999 йил декабрда мамлакатимизга буюрган ташрифингиз якунлари бўйича стратегик ва узоқ муддатли ҳамкорликка кучли туртки берилгани, анъанавий дўстлик муносабатлари халқларимиз ўртасида тенглик, ҳурмат ва ўзаро ишонч асосида Марказий Осиё ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида янада кенгайиб, чуқурлашиб боришига ўзбекистонликларнинг ишончи комил.**

**Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, Россияга эса фаровонлик ва тараққиёт ёр бўлсин.**

**Камоли эҳтиром билан**

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти.***

* * *

Шу куни Ислом Каримов билан Владимир Путин ўртасида телефон орқали суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси раҳбари В. Путинни Россия Федерацияси Президенти лавозимига сайланганы билан самимий қутлаб, унга Россиянинг равнақи йўлидаги фаолиятида муваффақият тилади. Иккала давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия муносабатлари икки халқ бахт-саодати йўлида, тенглик ва ўзаро ишонч асосида ривожланавершига ишонч билдирди.

***(ЎзА).***



***Қутлуғ айёмимиз — Наврўз арафасида вилоятимизнинг шаҳарлари ва қишлоқларида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўнлаб катта-кичик иншоотлар фойдаланишга топширилди. Сиз суратда кўриб турган Олмалиқ нон комбинати ҳузурида қурилган "Барака" дўкони ҳам ана шуларнинг бири. Харидорлар бу дўкондан ҳар куни иссиқ нон, шунингдек, 60 хилга яқин истеъмол маҳсулотларини харид қилмоқдалар.***

***Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.***

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

***Кеча Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама этилди.***

Фаоллар йиғилишида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, бўлим ва бошқармалар, жамоат ташкилотлари бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов маъруза қилди.

У Президентимиз томонидан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессиясида билдирилган фикрлар, кўрсатиб ўтилган камчиликлар Тошкент вилоятига ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлади. Йиғилишда вилоят халқ хўжалигининг 1999 йил натижалари, жойларда ислоҳотларнинг бориши танқидий нуқтаи назардан чуқур ва ҳаққоний таҳлил этилди. Қатор соҳаларда эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, айни пайтда, йўл қўйилган камчиликларни тезроқ тугатиш, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, фойдаланилмаётган ички имкониятларни ишга солиш, кадрлар билан ишлашни кучайтириш, раҳбарларга нисбатан талабчанликни янада ошириш юзасидан қатъий фикрлар билдирилди.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

## ВИЛОЯТ *ҳаёти*

• "СОҒЛОМ авлод йили" деб эълон қилинган мазкур йилда Янгийўл тумани соғлиқни сақлаш бўлими зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳар бир хўжаликда аҳоли вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Яқинда Болғабоев номли ҳамда Мирзо Улуғбек номли жамоа хўжаликларида аҳолига 250 минг сўмлик бепул дори-дармонлар тарқатилди.

Бу каби хайрли ишларни бошқа хўжаликларда ҳам амалга ошириш мўлжаллаб турилибди.

**• ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги Наврўз қурилишлари деб эълон қилинган бир қатор объектлар вақтида қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

**Дўстобод шаҳрида ҳар бири 16 квадрат метр саҳнли қатор савдо-тижорат бинолари, тўртта гўшт дўкони ва 50 ўринли ошхона умумхалқ байрами кунлари аҳолига хизмат қила бошлади.**

**Тумандаги "Ўзбекистон" тажриба хўжалигида эса шахсий машина эгалари учун қулай бўлган эҳтиёт қисмлар дўкони қурилиб ишга туширилди.**

• ВИЛОЯТ ҳунармандчилик бирлашмаси раҳбарияти саъй-ҳаракати билан "Истеъдодларни излаб" деб номланган тадбир ўтказилди. Унга кўра бирлашма ходимлари шаҳар ва туманларда бўлиб, турли касблар бўйича энг қобилиятли кишиларни аниқладилар. Натижада бирлашмага уюшган аъзолар сони ўтган йилги 34 ўрнига 120 нафарга етди.

Ҳозирги пайтда ҳунармандчиликнинг 34 тури билан банд бўлган бу тадбиркорлар орасида паркентлик пичоқчи Маъмур Аширбоев, чирчиқлик темирчи Файзулла Абдуллаев, чорвоқлик дўппичи Қуддусия Эшонхўжаевалар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар элга манзур бўлмоқда.

**• ҚИБРАЙ туманидаги "Янгиобод" қишлоғида "Лорена-дон" Ўзбекистон – Болгария қўшма корхонасининг қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Бунинг учун Италия ва Болгариядан келтирилган ускуналар тезкорлик билан ўрнатилмоқда. Мазкур корхона ишга тушгач, йилига 2,5 минг тонна макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шунингдек, бу ерда 40га яқин ишчи ўринлари очилиши кўзда тутилмоқда.**

## МАҚСАД – ҚИШЛОҚДА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ

***ЎЗБЕКИСТОНнинг умумжаҳон ҳамжамиятида ўзига яраша ўринни эгаллашида мамлакатимиз спортчиларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Мустақилликка эришилгандан сўнг жаҳоннинг қатор таниқли мамлакатларида ўтказилаётган йирик халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлат мадҳиямизнинг янграши одатий хол бўлиб қолди. Ватанимиз довруғини оламга таратаётган ана шундай маҳоратли спортчилар сафида кўплаб вилоятимиз вакиллари ҳам бор.***

ҲАҚИҚАТАН ҳам пойтахт вилоятининг саноат шаҳарларида асосий спорт турлари кенг ривожланган. Шунга яраша спорт базаси ҳам йилдан-йилга кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Лекин, афсуски, бевосита қишлоқ спорти ҳақида, очиқроқ қилиб айтадиган бўлсак, вилоят туманларида спортни оммавийлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида бундай деёлмаймиз. Ваҳоланки, республикамиз ҳукумати бутун мамлакат бўйлаб спортни янада ривожлантириш чора-тадбирларини кўрар экан, биринчи навбатда қишлоқ жойларда жисмоний тарбия ва спортни кенг оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоят Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси республика ҳукуматининг ушбу саъй-ҳаракатига амалий жавоб бериш мақсадида ҳар йили март-апрель ойларида вилоят спорт ўйинларини ўтказиб бориш ташаббуси билан чиқди. Вилоят ҳокими бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ вилоят спорт ўйинлари мусобақаларини ўтказиш ташкилий қўмитаси

### *Вилоят ҳокимлигида*

тузилиб, махсус Низом ишлаб чиқилди. Унга кўра эркаклар ва аёллар спортнинг жами 11 тури, яъни баскетбол, волейбол, енгил ва оғир атлетика, бокс, сузиш, теннис, стол теннизи, шохмот, шашка, кураш бўйича мусобақаларда иштирок этадилар. Спорт ўйинлари вилоят шаҳарлариаро ва туманлариаро алоҳида-алоҳида ўтказилади. Аммо бу спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар чеклаб қўйилади, деган гап эмас. Мақсад шундан иборатки, вилоят спорт ўйинлари доирасида юқорида белгиланган турлар бўйича мусобақалар ўтказилиши шарт. Шунингдек, бошқа турлар бўйича ҳам мусобақалар уюштирилиши мумкин. Бунда Низомга тегишли ўзгартиш киритилади, холос.

Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ спорт ўйинлари доирасидаги мусобақалар мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда, шунингдек, аҳоли турар-жойларида ўтказилади. Маҳаллий ҳокимликлар эса ғолибларнинг вилоят миқёсидаги якунловчи мусобақаларда иштирок этишларини таъминлайдилар. Умуман, спорт ўйинларининг юксак савияда, оммавий тусда ва қизиқарли ўтиши учун ҳомий ташкилотлар жалб этилади ва ғолиб спортчи ҳамда жамоалар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Туман ҳокимликлари жойларда қишлоқ спортини ривожлантириш, аҳолининг спорт ўйинларида қатнашишини таъминлаш, уларга жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида спорт иншоотларининг моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш чораларини кўрадилар.

Вилоят спорт ўйинлари давомида ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими, умумтаълим ва спорт мактабларида ўтказиладиган мусобақаларга алоҳида эътибор қаратилади. Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси спорт ўйинлари финал босқичини юқори савияда ўтказиш мақсадида энг малакали мутахассис ва ҳакамларни жалб этади.

Спорт ўйинларининг умумий якунига мувофиқ биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган шаҳар ва туман терма жамоаларига вилоят ҳокимлигининг совринлари ва тегишли даражадаги дипломлари топширилади. Алоҳида спорт турлари бўйича дастлабки уч ўринни эгаллаган шаҳар ва туман терма жамоаларига ҳам соврин ва дипломлар тақдим этилади. Якка тартибдаги мусобақаларда ғолиб чиққан спортчилар қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланадилар.

Хулоса қилиб айтганда, апрель ойининг дастлабки кунларидан бошлаб Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Қибрай, Ўртачирчиқ, Бўка, Паркент, Қуйичирчиқ туманлари ўйингоҳларида вилоят спорт ўйинлари мусобақаларини ўтказишга киришилади.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

*Мардлар қўриқлайди Ватанни*

## МУҚАДДАС БУРЧ

**Вояга етган ҳар бир йигит учун она юртни ҳимоя қилиш, унинг тинчлигини сақлаш, ҳарбий хизматни бажариш муқаддас бурчдир. Айни вақтда ёшларимизни ҳарбий хизматга тайёрлаш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш олдимизда турган энг масъулиятли вазифадир.**

Шу йил 28 март куни вилоят ҳарбий хизматга чақирув манзилгоҳида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу мавзуга бағишланди. Унда "Вилоятда ёшларни 1999 йил кузги ҳарбий ва муқобил хизматга чақирув мавсуми якунлари ва 2000 йил баҳорги чақирув мавсумига тайёргарлик кўриш тўғрисида"-ги масала чуқур муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят чақирув комиссияси раиси Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда вилоят чақирув комиссияси аъзолари, шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар, туман мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари, ички ишлар бўлимлари бошлиқлари ўринбосарлари, шаҳар ва туман чақирув комиссияларининг катта шифокорлари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Тошхўжаев маъруза қилди. У шаҳар ва туман чақирув комиссияларининг 1999 йил кузги иш фаолиятлари тўғрисида маълумот берар экан, қилинган ижобий ишлар билан биргаликда Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Бекобод, Бўка, Оҳангарон, Янгийўл туманларида бу борада йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг олдини олиш масалалари хусусида алоҳида тўхталди.

Йиғилишда сўзга чиққан Бекобод шаҳар ҳокимининг ўринбосари А. Эрматов, Оҳангарон туман чақирув комиссияси катта шифокори Б. Бакараев ва бошқалар ўз ҳудудларида ёшларни ҳарбий хизматга жалб этиш, ўсмирларнинг жисмоний тайёргарлигини талаб даражасига кўтариш, айниқса, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш борасида олиб борилаётган ишлар ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган тадбирлар тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда вилоятда 2000 йил баҳорги чақирув мавсумини муваффақиятли ўтказиш, бу борадаги ишларни такомиллаштириш, ёшларни Ватан сарҳадларини қўриқлашдек масъулиятли вазифага пухта тайёрлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш учун шаҳар, туман ҳокимликлари ва мутасадди бўлим ва бошқарма раҳбарларига аниқ вазифалар юкланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан чақирув комиссияси йиғилишининг махсус қарори қабул қилинди.

## ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ

***ОДАТДА биз журналистлар экин-тикин ишлари бошлангач, ёзадиган хабар ва мақолаларимизда "эрта эксанг, эрта ҳосил оласан" деган нақлни кўп ишлатамиз. Бу гапнинг маъноси чуқур, албатта. Лекин уни ҳар ким ўзича тушунади, турлича талқин қилади. Дарвоқе, об-ҳаво яхши, қулай келса-ю, ҳамма нарса шай қилиб қўйилган бўлса, бир соат бўлса ҳам ерга барвақтроқ уруғ қадаб олинганига нима етсин! Ютишингиз тайин бўлади. Лекин кўпни кўрган кекса, тажрибали деҳқонлар эришиладиган ютуқни соатларга эмас, ҳатто, лаҳзаларга ҳам менгзайдилар.***

— Биласиз, — дейди деҳқон отахонлардан бири, — бир вақтлари техника бўлмаган. Қўш солиб, ер ҳайдаб, бирйўла уруғ ҳам экиб кетиларди. Дейлик, деҳқон уруғини қўлда сочарди. Ана шу жараёнда хоҳлайсизми-йўқми, сочилган уруғ доналаридан айримлари ҳўкиз танасига урилиб, ерга думалаб тушади. Ишонасизми, ана шу жуда арзимасдек туюладиган кечикиш ҳам ҳосилнинг етилишини кечиктираркан. Ерга тўғридан-тўғри тушган уруғдан униб чиққан майсага қараганда унинг ривожи бир қадар пастроқ бўларкан. Бу гаплар чигит экишга ҳам тааллуқлидир. Эҳтимол, айримларга бу афсонадек, ривоятдек бўлиб туюлар, лекин аслида ҳақиқат бор унинг мағзида.

Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги раиси Мирobod Мирбобоев билан шу ҳақда суҳбатлашаётиб савол бераман:

— Чигит экишни қачон бошлашни мўлжаллаб турибсизлар?

— Биз ҳар йили апрель ойининг биринчи ҳафтасидан ишга киришамиз. Иккинчи ҳафта охиригача ниҳоясига етказамиз.

Илгари вилоятда апрель ойининг биринчи ўн кунлигидан кечиктирмай, чигит экиб бўлинарди. Лекин, афсуски, кейинги йилларда иқлим шароити бутунлай ўзгариб кетди. Йил йилдан кескин фарқ қиладиган бўлиб қолди. Об-ҳавонинг қулай келишига ишонч йўқолди.

Менинг бу мулоҳазаларимни тинглаган раис шундай деди: "Ахир ота-боболаримиз деҳқончилик — бу таваккалчилик, деб бежиз айтишмаган. Бу деганимиз шуки, тупроқ етилдими, ҳарорат ўлчамга тўғри келдими, нима бўларкин, деб иккиланиб ўтирмасдан, қўрқмай экишга киришавериш керак. Агар намгарчилик кўпайиб кетса, озроқ фоизини бузиб экасиз. Қуруқ келса-чи, охирги ўн-ўн беш фоизни суғориб чиқариб оласиз. Нима бўлганда ҳам асосий майдонга биринчи бўлиб экилган экин соғомон қолади-ку. Об-ҳаво ҳар жиҳатдан қулай келса, деҳқоннинг омади! Бузмайсиз ҳам, суғормайсиз ҳам, чигитни ўз вақтида бир текис ундириб оласиз».

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Хўп, таваккал қилиб экдингиз. Агар тупроқ маромига етиб қизимаса, ундаги уруғлик чигит "ўз-ўзини еб" без бўлиб ётаверади. Униб чиққанда ҳам ғўзаси анча нимжон бўлади. Бошқа бир ҳақиқат ҳам бор. Кейинроқ, дейлик, апрелнинг охири, майнинг бошларида экилган чигит икки-уч кундаёқ униб чиқади. Ғўзаси бақувват бўлиб, ривожлана бошлайди. Лекин барибир ҳосилдорликда дастлаб униб чиққан ғўзаларга етмайди. Негаки, кейинги экилган чигит бақувват бўлиб униб чиққани билан, пастки томонида ҳосил шохларини пайдо қилмайди. Олдин экилиб, униб чиққан ғўзаларда эса пастки томонида ҳосил шохлари кўп бўлади. Аслида сифатли, тош босадиган пахта ғўза тупларининг пастки қисмидаги кўсакларда етилади. Ана, кўрдингизми, ўз вақтида экишнинг хосияти нимада экан.

### *Чигит экишга тайёрмисиз?*

Ўша куни хўжалик раҳбарлари, мутахассислари билан суҳбатлашиб, экишдан самарадорликка эришиш учун яна нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида фикрлашдик.

Аввало, деҳқонларга эрк берилгани жуда яхши иш бўлди, деб айтишди улар. Иккинчидан, шу нарса бизни руҳлантирмоқдаки, бир вақтлардагидек юқоридан келишиб, бизнинг ишимизга аралашишдек ярамас одат барҳам топди. Мана, бу йил ҳам катта йиғилишда вилоятимизнинг катталари чигитни қачон экиб, қачон тугаллайсизлар, бу ҳақда сизларга тиқилинч қилиб, кўрсатма бериб, бошингизни асло оғритмаймиз, сизларга ишонамиз, ўзларингиз ҳал қиласизлар, деб айтдилар. Тўғри-да, ҳар бир хўжаликда ўзининг миришкор деҳқонлари, мутахассислари бор, уларга ўргатишнинг асло кераги йўқ. Буни хўжалик миқёсида олиб борилаётган ишлардан қиёс қилса бўлади. Бу йил 750 гектар майдонда пахта етиштирилади. Нав масаласига келганда ҳам деҳқонларнинг ўз мустақил фикрлари бор: "Биз неча йиллардан буён С-6524 навли чигит экиб келамиз. Шу давр мобайнида бошқа навли ғўзаларни ҳам экиб кўрдик. Лекин бизга ёққани, маъқули, тупроқ шароитимизга мос келгани шу нав бўлди. Шунинг учун ҳам бу йил деярли ҳамма майдонга С-6524 пахта чигитини экамиз", деб айтишди. 12та экипаж экишга тахт қилиб қўйилди. Айтилганидек, экишни ернинг етилишига қараб бошлашмоқчи. Тупроқ шароити ҳар хил. Энг аввало юқори минтақада, сариқ тупроқли ерлардан экиш бошланади. Сўнг ўтлоқ, захкаш ерларга ўтилади. Энг кейин қора тупроқли ерларга уруғ қадалади. Бундай ерларда уруғ тез униб чиқади. Ҳисоблаб чиқдилар. Агарда ҳар куни ҳар бир экипаж билан 10 гектардан ерга чигит экилса, бу муҳим тадбир узоғи билан олти-етти кунда тугалланади.

— Бу йил ҳам экишни обитобида ўтказиб, юқори ҳосил етиштиришга ҳаракат қиламиз, — дейди бригада бошлиғи Турғун ака Одилов. — Бу ҳақда пудратчи деҳқонларимиз билан келишиб, шартлашиб олдик.

Юқорида ҳар ким ўз ишини билиб қилади, уларга ўргатишнинг зарурати йўқ, деган фикрни айтдик.

— Лекин бу дегани хотиржамликка берилиш, лоқайдликка изн бериш дегани эмас, — дейди раис. — Яқинда бўлиб ўтган вилоят миқёсидаги йиғилишда чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи муҳокама қилинганда ерни, уруғликни, техникани тайёрлаш, тўла гектарлар ҳосил қилишга оид ҳамма биладиган, ҳар йили айтиладиган омиллар яна бир бор эсга солинди. Биз ана шу айтилганларга деҳқонларимиз қай тартибда, қай тахлитда амал қилаётганларини назорат қилиб борамиз. Бу ишни шахсан ўзим зиммамга оламан.

***Назорат, текшириш... Уни ҳар ким ҳар хил тушунади. Айримлар далага бориб, нега ундай қилмадинг, нега бундай бўлди, деб дўқ-пўписа қилишлари ва буни назорат деб англашлари мумкин. Лекин асл деҳқонлар сулоласидан бўлган Миробид ака назоратни энг аввало, амалий ёрдам бериш, деб билади. Шундан бўлса керак, мана бир неча йилдирки, хўжалик аввалги шуҳратини тиклаб, ҳар бир тармоқда, ҳар бир соҳада биринчилар сафида бўлишликни одат қилиб олди.***

***Носир РИХСИЕВ,***
***"Тошкент ҳақиқати" мухбири.***

## "ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН"

КЕЧА Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" павильонларида ана шу белги остида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган давлатга қарашли ҳамда кичик, ўрта ва хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўргазмаси очилди. Унда, шунингдек, хорижлик шериклар ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзсамсунг-электроникс", "Дойчекабель", "Лаз-оглу", "Пульсар", "Дариталь", "Туз Буэро", "Агама" каби юзга яқин қўшма корхоналар ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар.

Шу муносабат билан бу ерда журналистлар иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

— Ушбу кўргазмани ташкил этишдан мақсад мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, янги корхоналарни тузиш учун хорижий инвестицияни кўпроқ жалб этишдан иборат, — деди "Ўзэкспомарказ" бош директори Б. Эрматов. — Шу мақсадда кўргазмага ўттиздан ортиқ фирмалар, элчихоналар, республика "Бизнесфонд", Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вакиллари таклиф этилди.

# БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиниши сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда маънавий ҳаётимизда, давлат ва жамият қурилишида рўй бераётган улкан ўзгаришларда муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Зеро, баркамол авлодгина давлатимизнинг буюк келажагини бунёд этишга қодир. Бу борада қабул қилинган “Соғлом авлод” давлат дастури Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда. Чунки, республикамиз ёшларининг аксарияти ана шу ташкилот ёрдамида ғоявий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарликдан ўтиб, ҳарбий хизматга ҳозирлик кўрмоқда.

– Ташкилотимиз жисмонан бақувват, фикран соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек жуда масъулиятли ҳамда шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, – дейди “Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгаши раиси, полковник А. Абдуқаҳҳоров. – Биз тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда “Соғлом авлод” давлат дастурини амалга ошириш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқдик.

Мазкур дастурга кўра меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, маҳаллаларда, “Ватанпарвар” ташкилотининг ўқув масканларида “Ўзбекистон Президенти спортимиз раҳнамоси”, “Соғлом авлод – элга қанот”, “Ўзбекистон спорти XXI асрга интилмоқда”, “Фарзанди соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади” каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиш мўлжалланган. Унда мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи ордени – “Соғлом авлод учун” нишондорлари ва чет элларда таълим олиб қайтган мамлакатимиз ёшлари, шунингдек жаҳон, Осиё ва республика чемпионлигини қўлга киритган спортчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ҳамда бошқа тадбирлар кўзда тутилган.

Ташкилотимизнинг асосий мақсади республика мудофаасига кўмаклашиш, халқимизни, айниқса ёшларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашдан иборатдир. Жорий йилда ҳам ана шу муҳим йўналишдаги барча ишларимиз кўламини кенгайтиряпмиз.

Ёшлар тарбияси қанчалик кўпқиррали ва машаққатли жараён экани яхши маълум. Келажагимиз бўлган ёш авлодни Ватан ҳимоясига руҳан ва жисмонан тайёрлашда спорт алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис ҳам ташкилотимизда ёшларни спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланишига янада кенг жалб қилиш масаласига асосий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда республикада спортнинг ана шу турлари билан 150 мингдан зиёд фуқаро шуғулланмоқда. 136та спорт техника клуби, спорт-ўқув машқ базасига эса 35та техник мактаб фаолият кўрсатмоқда. Спортнинг бу турлари бўйича кўплаб мусобақалар ташкил этилмоқда.

Умуман айтганда, “Ватанпарвар” ташкилоти аъзолари ўзининг бутун куч, билим ва имкониятини мамлакатимиз ёшларини маънавий ва жисмонан баркамол, соғлом, мустақил Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдек муқаддас ишга сафарбар этмоқда.

***Т. БОТИРБЕКОВ,***
***ЎзА мухбири.***



# ИККИ ОЙДА — 43 МИЛЛИОН

***БУ АВТОКОРХОНАДА деворга осиб қўйилган каттагина чизма жадвал унга ташриф буюрган ҳар бир кишининг эътиборини тортади. Унда республикамиз ва қардош мамлакатлардан Қозоғистондаги қатор шаҳарлар ва туманлар марказлари, Қибрай туманидаги кўпдан-кўп қишлоқлар номи ёзиб қўйилган. Булар корхонага қарашли автобуслар қатнайдиган манзилгоҳлардир. Ҳаммасига қатнов доимий ташкил этилмаган бўлса ҳам мижозлар буюртмаси бўлса шу асосда йўловчилар ташиб турилади.***

Доимий йўналишлар сони эса жорий йили 60тадан ҳам ошиб кетди. “Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автокорхонаси” ҳиссадорлик жамияти транспортчилари шунча йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсатмоқдалар. Фақат шаҳарлараро йўналиш сони 23тани ташкил этиб турипти. Ҳар куни ўн минглаб фуқароларнинг узоғи яқин, юмуши осон бўлмоқда.

## *Ҳиссадорлик жамиятларида*

Ўттиз йилдан ортиқ даврдан бери ишлаб келаётган жамоа эндиликда корхонани ўз тасарруфига олган. Мана, 6 йилдирки у мулкчиликнинг янгича тури — акциядорлик жамияти шакли асосида меҳнат қилмоқда. Натижада транспортчиларнинг ўз ишидан манфаатдорлиги кескин ошди. Қанчалик самарали ишланса, шунчалик кўп фойда кўриш имконига эга бўлинди. Шунинг учун ҳам йўловчиларга, буюртмачиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш жамоа меҳнатининг асосий шиорига айланди.

Жамоа барча транспорт воситаларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бу ерда турли русумдаги 160 тадан ортиқ автобуслардан фойдаланиляпти. Улар орасида қатор узоқ ва яқин чет эл мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий автобуслар бор. Ҳар бир транспорт воситасининг техник ҳолати яхши бўлиши, шай ҳолда туриши таъминланяпти. Кўп кишилик ва тажрибали таъмирловчилар жамоаси шу йўлда жонбозлик кўрсатяпти.

Ўтган хўжалик йилини 278 миллион сўмлик даромад олиш билан якунлаган транспортчилар бу йил ҳам дуруст ишламоқдалар. Икки ой натижалари анча салмоқли, режада назарда тутилганидан ҳам ортиқ бўлди. Шу вақт давомида деярли бир ярим миллион йўловчи ташилди. Ишлаб топилган маблағ ҳажми эса 43 миллион сўмликдан ҳам ошиқроқни ташкил этди.

Ўз сафига олти юз нафардан ортиқ турли касб эгалари бўлган транспортчиларни бирлаштирган байналмилал жамоа бундай самарали меҳнатнинг роҳатини ҳам кўрмоқда. Ҳар бир ишчи-хизматчининг ўртача ойлик иш ҳақи 11 минг сўмдан ҳам ошиб кетди. Энг муҳими, маошлар вақтида тўланмоқда. Жамоанинг меҳнат муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшаётган ҳайдовчилар, таъмирловчилар, мутахассислар моддий жиҳатдан мунтазам рағбатлантириб борилмоқда. Вилоятимиздаги илғор транспорт корхоналари қаторида бораётган жамоа шу кунларда ҳам юксак меҳнат марраларини кўзлаб, хизмат маданиятини янада оширишнинг янги имкониятларини изламоқда.

***Собир ҲАМИДОВ.***

***СУРАТЛАРДА: автожамлама бошлиғи Зокир Каримов, чилангарлардан Иномжон Баҳрамов ва Владимир Соколовлар ишлов беришнинг сифатини текширмоқдалар (юқорида); жамият раҳбари (чапдан) Зиёдулла Маҳмудов, етакчи мутахассис Учқун Мирзааҳмедов ва ҳайдовчи Шамсиддин Рустамовлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар (пастда).***
***Усмон УСМОНОВ олган суратлар.***



# ЕРНИНГ ҲАМ ЎЗ ТАЛАБЛАРИ БОР

## Вилоятимизда “Ер кадастри тўғрисида”ги қонуннинг бажарилиши хусусида

- ***Ер — бебаҳо бойлик, у эъзозга муҳтож***
- ***Кадастр — ерга муносабатлар мажмуи***
- ***Эътиборсизлик оқибатлари***
- ***Лойиҳа яратишда етти ўлчаб, бир кесиш керак.***

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ истиқбол режаларида иқтисодиётни эркинлаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида, шунингдек, шу йил 11 февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда Президентимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жиддий эътибор бериш зарурлиги, бу масала мутасадди ташкилотларнинг диққат марказида туриши лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Бу бежиз эмасди. Кейинги йилларда ерга муносабат, мулкчилик турлари, уларга амал қилиш орқали нималарга эришиш мумкинлиги борасида қатор қонунлар яратилганлигига қарамай, негадир, улар етарлича ишламаяпти. Мулкдорлар, ер эгалари қонунларни батафсил ўрганмаганлиги, уларнинг моҳиятини тушуниб етмаганлиги, ерга муносабат тартибларини чуқур идрок этмаганлиги туфайли, ишда жиддий тўсиқлар содир бўлмоқда. Ваҳоланки, узоқ изланишлар ва катта меҳнат самараси бўлган “Ер кодекси”, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида” “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Давлат Ер кадастри тўғрисида”ги қонунларнинг туб мазмуни дала меҳнаткашларининг манфаатларига, уларнинг аниқ ва самарали фаолият юргизишларига қаратилгандир.

Ачинарли жойи шундаки, нафақат деҳқонлар, кўп ҳолларда хўжаликлар раҳбарлари, фермерлар бу қонунлар хусусида тасаввурга ҳам эга эмаслар. Айниқса, Ер кадастри бўйича маълумотлари ниҳоятда саёз. Шуни ҳисобга олиб биз кадастр ҳақида кенгроқ тушунча беришни лозим топдик.

Маълумки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда асосий омиллардан бири ердан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилишдир. Бунинг учун эса ер билан “ҳуқуқий тил”даги муносабатларни билиш керак. Чунки, заминимиз чексиз бойлик эмас. Уни истаганча бировга бериш, хоҳласак парвариш қилиб, хоҳламасак ташлаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, ер ҳамиша эъзозга, эътиборга муҳтож. Шунинг учун ҳам унга муносабатни белгиловчи тартиблар мажмуаси — Ер кадастри мавжуд. Ана шу икки оғизгина сўз замирида бебаҳо ҳазинамиз билан бўладиган “муомалалар” ўз аксини топади. Яъни, ер бериш, олиб қўйиш, экинларни жойлаштириш, майдонларнинг ҳолатини яхшилаш, ҳисобот юритиш, ер тузиш лойиҳаларини яратиш, хўжалик фаолиятини баҳолаш ҳамда бошқа тадбирларни амалга оширишдаги ишлар — Ер кадастрининг асосий мазмунини ташкил этади.

Ҳар қандай хўжалик, ташкилот, муассаса, корхона ёки шахс ўзи фойдаланаётган ер участкаси ҳақида, унинг сифати тўғрисида, ер солиғининг миқдорини белгилаш талабларига тўла жавоб берадиган даражадаги маълумотларга эга бўлиши ҳам кадастрда ўз аксини топувчи кўрсаткичлар сирасига киради.

Бундай маълумотларни шакллантиришда суғориладиган ва лалми ерларнинг балл бонитетларига, тупроқ унумдорлигига, яйловларнинг турларига, қай ҳолатдалигига алоҳида синчковлик билан ёндошмоқ лозим. Ана шундагина ҳосилдорликни белгилашда, солиқлар тўловида борди-келди гаплар бўлмайди, адолатсизликка йўл қўйилмайди. Буни бежиз айтаётганимиз йўқ. Кўпинча йиғилишларда хўжаликлар раҳбарлари ёки мутахассислар ўз ҳудудларидаги майдонлар хусусида сўз юритиб, “Бизда бунча ер аслида лалми бўлса ҳам, суғориладиган ерлар қаторига кириб қолган. Бу ҳосилдорлик режаларини белгилашда ҳам, солиқ тўлашда ҳам қийинчиликлар туғдирмоқда”, деган фикрларни айтадилар. Ана шундай бўлмаслиги учун ҳам “Ер кадастри тўғрисида”ги қонунга риоя этилиши зарур.

Вилоятимизда 1999 йилнинг 1 январига бўлган ҳолат

## *Қонун ва ижро*

бўйича 390,7 минг гектар суғориладиган майдон мавжуд. Шундан 297,3 минг гектари ҳайдаладиган, сал кам 40 минг гектари боғлар, 44,8 минг гектари томорқа (деҳқон хўжаликлари)га тегишли ерлардир. Суғориладиган ерлар асосан текис ва тоғ олди минтақаларига тўғри келади. Бу тупроқ қатламининг ҳосил бўлишини тезлаштиради, айни пайтда деҳқончиликни тараққий эттиришга, ерлардан фойдаланиш омилларининг яхшиланиб боришига имконият яратади.

Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, йиллар давомида олиб борилган тажриба, таҳлил, изланишлар ва умумлаштиришлар натижасида аниқланган унумдорлиги паст бўлган адир ерларда пахта ва кўп сув талаб қиладиган бошқа экинлар экилиши, катта ҳаражат ва зарардан ташқари кўп ҳолларда сув эрозиясига, суғориладиган ерларнинг яроқсизланишига, тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига олиб келди. Хусусан, кўрилган чораларга қарамасдан вилоятда мелиоратив ҳолати яхшиланиши керак бўлган майдонлар 39370 гектарни ташкил этади. Шундан 9750 гектари ҳар хил даражада шўрланган, 22800 гектари сув йўллари таъмирланиши керак бўлган ерлардир. 6820 гектар майдонда эса коллектор-дренаж шоҳобчалари қайта қурилиши зарур. Шўр босган ерлар, айниқса, Бекобод, Бўка, Чиноз, Янгийўл туманларида кўп учрайди. Бу ҳолатни ўрганиш жараёнида биз Бекобод ва Чиноз туманларидаги текис майдонларда шўр ювиш ишларини ташкил этиш мумкин, шўрланган майдонларнинг қолган қисмида олиб бориладиган асосий ишларни шўрланишнинг кўпайишига қарши йўналтириш керак, деган фикрга келдик. Бунинг учун сизот сувлари сатҳининг кўтарилишига йўл қўймаслик бирдан-бирдан зарурий чорадир.

Қатор хўжаликларда содир бўлаётган тупроқ эрозияси вилоятимизда ерларни ночор ҳолга келтириб қўймоқда. Ҳудудимизда умумий майдоннинг 29 фоизи турли даражада шамол ва сув эрозиясига учрагани бунга ёрқин мисолдир. Бу ерларни тиклаш ва уларни қишлоқ хўжалигига қайтариш учун қўшимча ҳаражат талаб қилинди. Шунинг учун ҳам янги ерларни ўзлаштириш, майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишлар ҳажмини белгилаётганда аниқликка риоя этиш лозим бўлади. Тоғ ёнбағридаги ерларни ўзлаштириш жараёнида сув манбаалари етарлими, йўқми буни албатта ҳисобга олиш керак. Режалаштирилган тадбирлар картаграфик ҳужжатларда кўрсатилиши лозим. Бу — ишни тартибли бажариш, унинг самарасини аниқ кўришдан ташқари, доимий назорат олиб боришга ҳам қулайлик яратади. Худди ана шу назорат йўқлиги туфайли, ҳолати ёмон, таъмирлашни талаб қиладиган ерлар камайиш ўрнига, кўпайиб бормоқда.

Ер кадастри кўрсаткичларидан бири тупроқ бонитеровкаси бўлиб, у сифат ҳамда табиий унумдорлик даражасига бериладиган баҳодир. Бонитеровка фойдаланишга мўлжалланган ерларнинг кейинги қиймат баҳосини, мулкий пайларнинг миқдорини аниқлашга хизмат қилади. Ер тузиш лойиҳаларини амалга ошириш, экинларни жойлаштиришга яроқлилигини белгилаш воситаси ҳам ҳисобланади. Бу жараёндаги таҳлилларда тупроқ тури, унинг самарадорлик даражаси, ҳарорати, сув ўтказиш қобилияти, эрозияга муносабати ҳисобга олинади. Юз баллик кўрсаткич асосида энг юқори ҳосилдор тупроқ энг юқори балл билан баҳоланади.

Кейинги йиллар ичида ислоҳотлар туфайли ер тақсимлашда янги тартиблар пайдо бўлди. Хусусан, фермер хўжаликларига ижара ер участкаларини ўн йилдан кам бўлмаган ва 50 йилдан кўп бўлмаган муддатга бериш “Ер кодекси тўғрисида”ги қонунда ўз аксини топди. Аммо, бу муҳим ишни амалга оширишда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича юридик ҳужжатлар тайёрланяпти-ку, лекин ердан фойдаланиш юзасидан хариталар яратиш, тупроқ унумдорлигини тадқиқ этишга, бошқача айтганда ер кадастрига эътибор берилмаяпти.

Ер майдонларини ҳосил қилишдаги яна муҳим омиллардан бири: иктисодий, биотехник, экологик иқлимни ва бошқа талабларни назарда тутишдир. Бунга риоя қилмаслик жуда оғир ҳолларга олиб келади. Айниқса, ер тузиш ва мелиорация бўйича бажариладиган лойиҳаларнинг узвийлилигини таъминламаслик давлатга ва хўжаликларга қимматга тушади.

Хусусан, Паркент, Пскент, Бўка, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ ва Оҳангарон туманларининг тоғ ёнбағрларидаги адирликларда ўзлаштирилган ерлардан оқилона фойдаланмаслик туфайли, улар яроқсизланиб бораётганлиги бунга мисолдир. Оқибатда 8 минг гектар ер ночорлашиб, ҳосилдорлик камайиб кетди.

Шундай экан, янги ерлар очишда, экин турларини жойлаштиришда олдиндан пухта ўйлаш, айниқса, суғориш иншоотларини ҳисобга олиш муҳим бўлиб қолмоқда. Фақат “Ер кадастри тўғрисида”ги қонунгина деҳқонларни, турли мулк шаклидаги хўжаликларни моддий зарардан муҳофаза этишини унутмаслик керак.

***Қулмуҳаммад ФАЙЗИЕВ,***
***вилоят ҳокимлиги Агросаноат мажмуи бўйича котибият мудири.***
***Анвар КАРИМОВ,***
***вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи.***

## *Меҳнатнинг таги роҳат*

# ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИ

***УЙИГА кайфияти чоғ ҳолда гилам кўтариб кириб келган Ихтиёрни аёли хушнуд кутиб олди.***

– Жуда чиройлигини танлабсиз, – деди у.

– Мукофотга беришди, – деди Ихтиёр қаддини ғоз тутиб.

– Ундай бўлса яна ҳам яхши, – деди аёли хурсанд бўлиб...

Наврўз байрами арафасида Тошкент туманидаги “Тошкент” ширкат хўжалигида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда 10 нафар ширкат аъзосига қимматбаҳо гилам ва поёндозлар туҳфа этилди. Меҳнатнинг таги роҳат, деб шуни айтадилар-да!

– Бизда далада меҳнат қилаётганларнинг ҳар бирини илғор десак арзийди, – дейди касаба қўмитасининг раиси Содиқ Орипов. – Лекин, мен сизга айтсам, булар илғорларнинг илғори ҳисобланадилар. Бундан ўн-ўн беш кун илгари ўн кишига новвосча совға қилган эдик. Вақти-вақти билан қилаётган ишларимизни якунлаб, олаётган даромадимизни ҳисоб-китоб қилиб, деҳқонларимизни меҳнатига яраша рағбатлантириб туриш бизда анъанага айланиб қолган.

Ўша тантанали йиғилишда кўпчилик мукофот олганларнинг қўлини қисиб, чин дилдан табриклади. Ҳавас билан қарадилар уларга. Бу яхши одат! Ана шу ҳавас эртами, кечми бошқаларни ҳам астойдил меҳнат қилишга, илғорлар сафидан мустаҳкам ўрин олишга даъват этади. Хўжалик ҳар йили, ҳар бир тармоқда режаларни уддалабгина қолмай, ортиғи билан бажариб келаётганлигининг сири ҳам шундадир.

***Носир РИХСИЕВ.***

# ҚИШЛОҚДА ШИФО МАСКАНИ

Янгийўл туманидаги “Озод” хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Пункт беш мингдан зиёд кишига малакали тиббий хизмат кўрсатади. Болалар шифокори, акушер-гинеколог, стоматология, муолажа ҳамда тўрт ўринли кундузги даволаш хонаси мавжуд бўлган мазкур муассаса қошида дорихона ҳам мавжуд.

Эътиборлиси шундаки, барча қулайликларга эга бу шифохона ғоят қисқа муддат — уч ой давомида қуриб битказилди ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Бунинг учун вилоят бюджетидан 28 миллион сўм сарфланди. Айни вақтда вилоятда 88та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Қурувчилар йил охиригача яна олтита ана шундай замонавий шифо масканини бунёд этиш ниятида.

***Н. ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

# ЙЎЛ ҲОДИСАЛАРИ КАМАЯДИ

***Вилоятимизда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ойлиги ўтказилаётган шу кунларда жойларда вилоят Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати органлари ходимлари билан биргаликда бу тадбирни ўтказишга мутасадди бўлган шаҳар ва туманлардаги ҳаракатланиш хавфсизлиги комиссиялари бир қатор тадбирларни ишлаб чиқдилар ҳамда унинг бажарилишини назорат остига олдилар.***

Шу ўринда биз вилоят автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти фаолларининг зиммасига ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қатор чора ва тадбирлар кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш, жамоат транспорти ва аҳоли тўпланадиган жойларда ташвиқот ва тарғибот ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилди. Шу муносабат билан вилоятимиз туман ва шаҳарларида Давлат автомобиль назорати ходимлари ва автомотоҳаваскорлар жамияти аъзолари бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. ДАН бўлинмаси томонидан корхона, муассаса ва ташкилотларга қарашли механик транспорт воситалари ва тиркамалари техник кўрикдан ўтказилаётир.

## *Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда*

Маълумки, 2000 йил “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинди. Шунинг учун ҳам, биз ўсиб келаётган ёш авлодни тобора такомиллашиб бораётган техника ва транспорт воситалари, улардан фойдаланиш ва албатта, йўл ҳаракати қоидалари билан кенг кўламда таништириш ишларини олиб боришимиз зарур.

Тарғибот ишларини эса, мактаб ва боғчалардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ана шу мақсадда ДАН ва автомотоҳаваскорлар жамияти ходимлари туман ва шаҳарлардаги боғча ва мактабларда 17 соатлик дастур асосида дарслар ва суҳбатлар уюштиришмоқда. Афсуски, катталар орасида ҳам йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари рўй бермоқда. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида, автомотоҳаваскорлар жамиятининг жойлардаги раҳбарлари томонидан ўқитувчилар танланиб, Тошкент Малака ошириш институтида ҳар ойда 12тадан гуруҳлар ўқитилмоқда. Ҳар бир гуруҳга 4 соатлик дастур асосида дарслар ташкил этилди. Йўл ҳаракатини қўпол равишда бузган ҳайдовчи ва йўловчилар ДАН ходимлари ва автомотоҳаваскорлар томонидан назоратга олиниб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ойлигида иштирок этаётган шаҳар ва туманлар орасида, айниқса, Паркент, Тошкент, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ туманларида қилинаётган ишлар диққатга сазовор эканлигини таъкидлаб ўтгим келади. Бу борада Паркент тумани халқ таълими бўлими фаолларининг болалар иштирокидаги йўл транспорт ходисаларини камайтириш борасида олиб бораётган ишлари самараси яхши бўлмоқда.

Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ойлиги ўтаётган шу кунларда жамиятимиз аъзолари жойларда тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш билан бир қаторда ДАН ходимлари билан биргаликда юртимиз фуқароларининг осойишталигини таъминлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

***Маҳкам БОТИРБЕКОВ,***
***Вилоят автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамиятининг раиси.***

# БОҒЛАР КЎПАЯДИ

Баҳор фасли ўлкамизда кўчат ўтқазиш, боғ-роғларни кўпайтириш давридир. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мевали боғ ва узумчилик бошқармасининг маълумотларига қараганда, жойларда анъанавий кўчат ўтқазиш ойлиги қизғин давом этмоқда. Мавжуд боғу-роғларга шакл бериш, қатор ораларини тўлдириш, туп сонини янгилаш, серҳосил навларни янада кўпайтириш, қўшимча боғлар барпо этиш тадбирлари амалга оширилаётир. Ушбу мавсумда республикамиз бўйича қарийб 1,5 минг гектар мевали боғ, 97 гектар токзор барпо этилади.

Ҳозирги кунда вазирлик тизимига қарашли қишлоқ хўжалик корхоналарида 73 минг гектар мевали боғ, 75 минг гектар токзор мавжуд. Шу кунгача уларга обдон ишлов берилиб, қатор ораларига 40 минг дона мевали дарахт кўчати, 227 минг дона ток ниҳоли экилди. Айниқса, Тошкент, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида янги боғзорлар яратиш, серҳосил навлар экиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, жойларда парваришланаётган боғ ва узумзорларнинг ҳосилдорлиги юқори, улардан экологик тоза, сифатли, сархил мева олиш мумкин. Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, ўтган қиш фасли нисбатан илиқ бўлди. Бунинг оқибатида экинларга, хусусан, боғу-роғларга қирон келтирувчи қурт ва заркунанда ҳашоратларнинг кўпайиши, турли касалликлар тарқалиши мумкин. Бундай пайтларда барча экинларга эрта баҳордаёқ биологик ишлов бериш зарур, касаллик ва кемирувчи ҳашоратларга қарши қўлланиладиган химиявий воситаларидан унумли фойдаланиш лозим.

***(ЎзА).***

*Раҳбар ва ислоҳот*

**ДУНЁДА ҳалол меҳнатдан ризқ топиб, бойлик орттирган одам умридан, ҳаётидан рози яшайди. Қалбига қулоқ солсанг, кўнглинг ёришади. Уларнинг суҳбатлари ҳалол меҳнатдан бошланиб, ҳалол ризқ-рўз билан тугайди. Чунки ҳақиқий меҳнат кишиси мақтанмайди. Зеро, бу жаннатмакон юртимизнинг, бу қадим халқимизнинг бахти тупроқ билан тиллаша биладиган асил деҳқонларининг, соҳибкору боғбонларининг кўплигидан эмасми?**

# ЗАРКЕНТ ИБРАТИ

ПАРКЕНТДА бўлганмисиз, деган саволга ҳар ҳолда талайгина юртдошларимиз "Кумушкон", "Сўқоқ", "Сумча" дам олиш масканларида бўлганмиз", деб жавоб бериши мумкин. Мен эса "Паркентнинг сўлим гўшаси – Заркентда бўлганмисиз?" демоқчиман. Айниқса, бир қарашда ҳадсиз, ҳудудсиздек кўринган лалми қир-адирлардаги буғдойзорлар яшил либосга бурканганда, йўлингизга турфа гулу лолақизғалдоқлар гилам поёндоз солганда Заркентга келинг. Умуман, бу дунё жаннатининг ифори уфуриб турган гиёҳлар исидан маст бўлмоқ истасангиз, кўкламда Заркентга келинг.

Президентимиз Тошкент вилояти сайловчилари билан бўлган учрашувда вилоятнинг миришкор, қўли гул боғбон ва соҳибкорлари қаторида "Заркент" ширкат хўжалигининг раиси Тожибой Ризаев номини ҳам фахр билан тилга олдилар. Заркентга келсангиз, виоятимизнинг ҳеч бир туманида йўқ кўз илғамас токзорларни кўриб, ҳайратга тушасиз. Гап фақат токзорларда эмас, хўжаликдаги мавжуд 540 гектар узумзорда бирон туп ток, 160 гектар ердаги бирон туп мева қаровсиз қолмагани сизни ҳайратга солади. Агар узум ғарқ пишганда ташриф буюрсангиз, 10 килоли яшикка сиғмайдиган "Паркент гули", "Тоифи" навли узум бошларини кўриб ёқа ушлайсиз. Паркент қора кишмишининг шираси эса тилни ёради.

Дунёда айрим инсонлар бўладики, улар шунчаки мақтовлардан баланд туради. Тожибой ота Ризаев ана шундай инсон. Хўжаликка раис бўлган йили туғилган фарзандлари ҳозир қирқ ёшдан ошди. Нафақат вилоятимизда балки республикамизда ҳам бир хўжаликка шунча йилдан бери раҳбарлик қилаётган, қолаверса, айни пайтда ҳам ҳар жабҳада намуна кўрсатиб ишлаётган Тожибой ота сингари раислар бармоқ билан санарли.

Фикримизни рақамлар тили билан исботласак, хўжаликнинг 1999 йилги соф даромади – 126 миллион сўм. Ғалладан 11 миллион 300 минг, чорвачиликдан 4 миллион 500 минг, беда уруғидан 1 миллион 920 минг сўм соф даромад олишга эришилди. Қолгани узумчиликдан. Хўжалик аъзоларига 63 миллион сўм иш ҳақи сифатида тарқатилди.

Заркент қишлоғидаги мавжуд 1600 хонадонда 8650дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Учта замонавий ўрта мактаб бор. Шундан 460 ўринлиси ўтган йили хўжалик ҳисобидан қурилди. Тоғлар бағридаги бу сўлим қишлоқ хонадонлари тўлиқ газлаштирилган, булоқ сувидан барча уйларга қувур тортилган.

Хўжаликда ишлаш-ишламаслигидан қатъий назар аҳоли чорваси учун сомон-пичан хўжалик техникаси билан ҳар бир хонадонга бир тоннадан етказиб берилади. Ўқитувчилар, шифокорлар, ҳатто, яхши ўқувчилар ҳам рағбатлантирилади. Тўй қилаётган, таъзия ўтказаётган хонадон эгалари қўшимча ун, ёғ, гўшт билан таъминланади. Қишлоқ аҳолиси хўжаликдан бир килограмм буғдойни 25 сўмдан харид қилиб олади. Шунингдек, қишлоқда бир нечта кичик ва қўшма корхона, маданий-маиший расталар, шифохона, замонавий тегирмон, мойжувоз ишлаб турибди. Айрим кам таъминланган оилаларга алоҳида ғамхўрлик қилинади. Шунинг учун ҳам қишлоқ аҳолиси Тожибой Ризаевни фахр билан ОТА дея иззатлайди.

Албатта, қишлоқ отасининг ўз иш услуби, ўзи қатъий амал қиладиган меҳнат интизоми бор. Оқшом тушгач, эртага бомдод номозидан кейин то кун ботгунча қилинадиган ишлар кўнгил дафтаридан ўтказилади. Ота етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесади. Юқорининг буйруғи билан ғалла экиб, буйруқ билан буғдой ўрадиганларни жини суймайди.

– Асил деҳқон ўз киндик қони томган, ўзи ўсиб, камол топган тупроқ тилини, шу маскан об-ҳавосини яхши билади, – дейди раис. – Мана шу миллион-миллион даромад бераётган ерлар суғорилмайди. Лалми ердан 18-20 центнердан ғалла олиш учун куннинг юзига, осмоннинг қабоғига қарашга мажбурмиз. Узумзорларимиз ҳам, боғ-роғлар ҳам қор, ёмғир суви билан суғорилади. Ер билан тиллашмасдан уруғ сочиб, куйиб қолаётганлар ўзимизнинг туманимизда ҳам топилади.

"Синамаган отнинг сиртидан ўтма", деганлар. 1997 йил учта, кейинги йил ўнта бригада, 1999 йилда эса бутун хўжалик оилавий пудрат асосида ишлашга ўтди.

Раим Ражаматов бригадасида 37 гектар узумзор 43 кишига оилавий пудрат асосида тақсимлаб берилган. Шундан 80 фоизи Паркент қора кишмиши. Бригада аъзоларининг кутган даромади 8 миллион сўм эди. Амалда эса 10 миллион 600 минг сўм қилиб бажарилди. Юқорида айтганимиздек, бу ҳудудда экинларни суғориш имконияти бўлмагани учун бригада аъзолари келишиб, пул йиғдилар. 1 миллион 200 минг сўмга қудуқ қазиб, насос ўрнатиб, ўзлари учун сув чиқардилар. Тоҳир Эшонов 1 миллион 800 минг, Содиқ Шодиев 1 миллион 600 минг, Инобат Шодиева 1,5 миллион, Маҳамат Алматов 1 миллион 300 минг сўм даромад олди. Энг кам даромад эгасининг чўнтаги 800 минг сўм пул кўрди. Биргина Раим Ражаматов бригадасидан 22 киши енгил автомашина олди. Кўплари тўй қилди, уй бошлаб қўйдилар.

Албатта, ўқувчи кўнглидан "қандай қилиб" деган ўй кечиши табиий. Даромад осмондан тушмайди. Шароити, об-ҳавоси бир хил бўлган қўшни хўжаликларнинг йиллик соф даромади бир, бир ярим миллион сўмдан ошмайди. "Заркент"даги оддийгина соҳибкор аёл бир гектар узумзордан давлат режасини дўндириб қўйиб, яна бир ярим миллион сўм даромад қилса, бу муболаға туйилмайдими?

Бир неча соҳиборкорларнинг дилига қулоқ тутиб, уққаним шу бўлдики, Президентимиз айтганларидек, бу энг аввало инсонга ишончда. Ер ўз эгасига, яъни, қишлоқ хўжалик илмидан хабардор, ҳаётий тажрибаси бор, қисқаси ернинг тилини биладиган одамларга берилса, кутилган натижага эришиш мумкин. "Заркент"да ўрта бўғин раҳбарларининг, бригада бошлиқларининг 90 фоиздан зиёди олий маълумотли қишлоқ хўжалиги мутахассиси.

Хўжалик бригадаларни техника, ўғит, химикатлар билан таъминлайди. Аъзоларга олинадиган иш ҳақлари ҳисобидан қиш мавсумида ҳам аванс берилади. Соҳибкорларнинг энг ками тўрт юз минг, энг кўпи салкам икки миллион сўмгача даромад қилишининг боиси – улар зиммаларидаги режани бажарганларидан кейин қолган ҳосилни бозор кўтарган нархда сотадилар. 1999 йили харидорларнинг ўзлари шаҳардан келиб, токзорларнинг бошидан бир килограмм узумни 200–220 сўмдан миннатдор бўлиб олиб кетишди. Чунки, маҳсулотнинг сифатига гап йўқ.

Бир-икки йилдан бери даромадни катта олаётган соҳибкорлар эндиликда токзорлари бошидан кетолмай қолганлар. Кўпчилиги ҳатто, уйидан гўнг келтириб, бошқа ўғитлар топиб, қарамоғидаги боғни тўйдиряпти.

Ўтган йили 1 миллион 800 минг сўм даромад олган Тоҳир Эшон билан суҳбатлашдик.

– Биласизми, мен бирон-бир янги гап айтмоқчи эмасман. Болаларимиз бошида парвона бўлгандек, ҳар туп ток теграсида оилам билан тиним билмаймиз. Фарзанд қаровсиз қолса, оқибати маълум. Боғ ҳам ўз мулкингга айланганидан кейин, худди фарзандингдек азиз бўлиб қолар экан. Мен сиёсатчи эмасман-у, аммо Йўлбошчимиз деҳқонга эрк бераётгани айни муддао бўлаяпти. Чунки, мана шу эркинлик туфайли ҳосил мўл, даромад мўмай. Ўтган йилнинг ўзида 90 нафарга яқин соҳибкор-боғбон енгил автомашина олди. Бунақаси қишлоғимиз тарихида бўлмаган. Эришилган ютуқлар, қўлга киритилган бойлик ҳақида гапириш мароқли. Аммо, унга фақат ҳавас билан етиб бўлмайди. Инсон ўзига берилган имкониятдан оқилона фойдалана олиши керак. Демоқчиманки, бизнинг хўжалигимизда ҳам соҳибкорликни, ундан келадиган даромадни орзу қилиб, ярим гектар, бир гектар токзорни олиб, қарашнинг уддасидан чиқмай, юзи шувит бўлиб қолганлар бор. Яхшиямки, раисимиз талабчан. Бундай кимсалар қарамоғидаги боғлар қайтариб олиниб, ернинг, меҳнатнинг қадрига етадиганларга берилди.

Уста боғбон ҳақиқатни айтди. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. "Заркент" ширкатлар хўжалигида шунчаки соҳибкорга, шунчаки боғбонга ер берилмайди. Шунинг учун ҳам заркентлик боғбонлар иш тажрибасини нафақат Паркент туманининг ўзидаги хўжаликлардан, балки Оҳангарон, Бўстонлиқ туманларидан келишиб ўрганиб кетишяпти. Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, заркентлик соҳибкор ва боғбонлардангина эмас, чорвадорлардан ҳам, ғаллакорлардан ҳам ўрганса бўладиган томонлар кўп. Чунки суғорилмайдиган лалми қир-адирлардан 18-20 центнердан ғалла оладиганлар вилоятимизда ҳам топилавермайди. Ўтган йили ўнлаб тракторчи, комбайнчи ва шофёрлар бир ярим, икки тоннадан буғдой олдилар. Хуллас, "Заркент" ширкатлар хўжалигига келиб кўрсангиз, кўнглингиз кўтариладиган хайрли ишлар талайгина. Ана шу бунёдкорликнинг бошида 43 йилдан буён Тожибой ота Ризаев турадилар.

Заркентга кириб бораверишда қурилаётган замонавий уйлар Тошкент шаҳридаги биноларга бўй бермайди. Демак, қишлоқ аҳли меҳнатига яраша бадавлат бўлиб бораяпти.

Хайрлашарканмиз, ота дуога қўл очдилар:

– Илоҳо, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, меҳру оқибатга, қут-баракага кўз тегмасин. Меҳнат қилганларга роҳат ҳамиша йўлдош бўлсин!

***Маҳмуд ТОИРОВ.***

*Ҳамкасбларимиз*

# ДЎСТИМИЗНИНГ ОППОҚ ЙЎЛЛАРИ



Етмишинчи йилларда рўзномамиз ҳафтада беш марта чоп этиларди. Қишлоқ хўжалиги мавзуси етакчи ҳисобланарди. Хоҳлайсизми, йўқми, мўлжалдаги материалларни тушириш учун баъзида эрталабдан то оқшомгача қолиб меҳнат қилишга тўғри келарди. Ҳаётнинг қонунида, шогирдлар қалами чархланиб, ижоди шаклланиб бошқа ишларга ўтиб, кўтарилиб кетишди. Бўлим яна бир ўзимга қолиб кетди. Буни ҳисобга олган муҳарриримиз Аҳмад ака:

— Эртадан бошлаб "Қора бола" қишлоқ хўжалиги бўлимига ўтиб ишлайди, деб қолдилар.

У киши саноат бўлими ходими Абдусамад Йўлдошевни айтаётган эдилар. Мен у йигитни билардим. Ўз меҳнат фаолиятини радиодан бошлаган. Сўнг "Тошкент бинокори"га ишга келган. Олий ўқув юртининг кечки бўлимини тугаллаган. Ўзининг тиш-тирноқли мақолалари билан танилиб қолган эди. Деҳқонлар сулоласидан эмасми, қишлоқ хўжалиги мавзусида ҳам қийналмай мақолалар ёза бошлади. Янгийўл туманидаги А.Ортиқов номли жамоа хўжалиги нима учун аввалги шуҳратини йўқотиб қўйганлиги ҳақидаги мақола ёзиш — биринчи муҳим топшириқ бўлди. Бироқ, Абдусамад сафардан "қуруқ" қайтиб келди. Нега? Айтишига қараганда, туман Бош раҳбари қабулига киролмабди. Кутиб-кутиб, қайтиб келибди. Очиғи, мен бироз ранжидим.

— Абдусамад, ука, ахир сиз, вилоят газетаси мухбирисиз. Узоқ навбат кутиб ўтиришингиз шарт эмасди.

У ҳайрон бўлди: "Ахир мен қандай қилиб, одамларнинг юзидан ўтаман?"

Мен шунда Абдусамаднинг ниҳоятда содда, пок, ҳалол, виждонли қаламкаш эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. У Янгийўлга бошқатдан сафарга борди. Хатосини тузатиб, оғизга тушган мақолани ёзди.

Йиллар ўтди. Абдусамаднинг ижоди гуркиради. Бу орада юқори доиралардан уни ишга таклиф қилишди. Лекин, у кўнмасди.

— Менинг феълимга тўғри келмайди, — дерди у, — тинчгина шу жамоада ишлаб юрганим ўзимга маъқул. Барибир, уни қўйишмади. "Қачонгача бир жойда "мих"ланиб ўтирасан. Ўсишинг керак", — дейишди. У хушламайгина вилоят ижроия қўмитасига ишга ўтди. Лекин, барибир кўнгли севиб ишлаб кетолмади. Имтиёзлардан воз кечиб бўлса ҳам, яна газетага — "Халқ сўзи"га ишга келди. Бу ерда у етук, олди журналист сифатида обрў-эътибор топди, мақталди, ўрнак қилиб кўрсатилди. Лекин, кейинги пайтларда нимадир кўнглига ёқмай қолди. Газетада ишлагиси келмади. Харидорлар бошқа ёқда ҳам кўп эди унга. Улардан бирининг қистови билан "Пахтабанк"да етакчи мутахассис — таржимон бўлиб ишга жойлашди. Топшириқни аъло даражада бажариб юрди. Эсимда, бир куни учрашиб қолганимизда, дилдан суҳбатлашдик.

— Ойлик маошни уч-тўрт ҳисса кўп олаяпман, — деди у, — лекин барибир одам газетани қўмсаркан. Бунинг устига баъзида менинг вазифамга алоқаси йўқ ишларни ҳам буюришади. Шунинг учун, яна газетага қайтсам деб турибман...

Шундай қилиб, у "Тошкент ҳақиқати" газетаси қишлоқ хўжалиги бўлими мудири бўлиб ишлай бошлади. Етакчи журналист сифатида ўзининг муносиб ўрнини топа олди.

Айрим журналистлар бор. Улар бирор соҳага ихтисослашган бўладилар. Лекин Абдусамад ундай эмас. Қайси мавзуда бўлмасин, у қойил қилиб, қиёмига етказиб ёзади. У "буюртма" мақолалар ёзишни асло ёқтирмайди. Боради, кўради, оддий одамлар билан суҳбатлашади, фикрлашади. Сўнг қўлига қалам олади. Менга юқоридан айтишди-ку, деган истихолага берилмай юраги, қалби буюрганини ёзади. Шунинг учун бўлса керак унинг мақолалари ўқимишли, таъсирчан, жозибадор бўлиб чиқади, маънавий озуқа беради. Ҳаётга теран кўз билан қарайди. Билимини бойитади. Янгиликлардан доим хабардор бўлиб туради. Шунинг учун ҳам баъзи ўта муҳим топшириқларни бажаришни ҳеч иккиланмай унга топширадилар. Оилага нисбатан вафодорликни, фарзандлар тарбиясига масъулиятни, дўстларга садоқатни, яқинларга меҳр-оқибатни ҳам Абдусамаддан ўрганса бўлади.

Мана, ҳаш-паш дегунча ҳамкасб биродаримиз олтмишни ортда қолдирибди. Бу ҳазилакам ёш эмас. Шу мулоҳаза билан мен унинг соддалиги, беғуборлиги, камтарлиги, меҳнатсеварлик фаолиятидан ҳикоя қилувчи айрим лавҳаларнигина қоғозга туширдим, холос. Зеро, бундай фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсон ҳеч вақт кам бўлмайди, ҳар қандай шароитда ҳам ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши, ўз сўзи, ўз фикрини айтиш, қийинчиликларни енгиш йўлларини топа олади.

***Носир РИХСИЕВ.***

## "ҲУМО" ЯНА САҲНАДА

Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театрида "Ҳумо-2" халқаро ёшлар театрлари фестиваль-марафони бошланди.

Республика Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон ёшлар театри ташаббуси билан ўтказилаётган фестиваль 6 июнгача давом этади. Тадбирда юртимиздаги ёшлар ва болалар театрлари жамоалари билан биргаликда Франция, Германия, Исроил, Россия ва Грузия театрлари ҳам иштирок этади.

Фестиваль Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри жамоаси Япониянинг Тойота-сити балет труппаси билан ҳамкорликда саҳналаштирган "Шелкунчик" асари билан бошланди.

***(ЎзА).***

# ДУНЁ ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

**воқеалар • мамлакатлар • одамлар**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

● АРАБ Давлатлари Лигаси бош котиби Исмат Абдулмажид АДЛ ташкил топганига 55 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзга чиқиб, араб давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари ҳар йили ўтказилишига умид билдирди.

● ПХЕНЬЯНДА 4–8 апрель кунлари Шимолий Корея ва Япония ўртасида ўзаро муносабатларни қайта тиклаш юзасидан музокаралар бўлиб ўтади.

● ТОЖИКИСТОНда парламентнинг Олий палатаси учун сайловлар бўлиб ўтди.

● МИСР ташқи ишлар вазири Амр Мусо АҚШ ва Сурия президентлари иштирокида Женевада бўлган учрашув Сурия билан Исроил ўртасидаги тинчлик музокараларини қайта бошланишида муҳим аҳамият касб этмаганини таъкидлади.

● АМСТЕРДАМ шаҳрида сил касаллиги ва унга қарши кураш бўйича халқаро анжуман уюштирилди. Унда 20дан ортиқ мамлакатнинг соғлиқни сақлаш вазирлари иштирок этдилар.

## ВЛАДИМИР ПУТИН – РОССИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

26 МАРТ КУНИ Россияда президент сайлови бўлиб ўтди. Халқаро жамоатчилик Россиядаги сиёсий жараёнларнинг янги босқичини бошлаб берадиган давр сифатида баҳолаётган бу тадбирда мамлакатнинг янги президенти аниқланди. Давлат раҳбари этиб Владимир Путин сайланди.

Россияда сўнгги ойлардаги сиёсий ҳаёт жуда қайноқ кечди. Зеро, Россиядек бой ва улкан мамлакат тизгинини ўз қўлига олишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз? Бу мақсад учун от сурганлар аввалига 12 киши эди, сайловга бир неча кун қолганда улар сони биттага камайди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатнинг олдинги президенти Борис Ельцин ўтган йили 31 декабрда ҳокимиятни кутилмаганда ҳукумат бошлиғи В.Путинга топширганида, унинг бўлажак президентлик сайловида ғолиб чиқишига кўпчилик шубҳа билдирган эди. Чунки катта сиёсат майдонига ўтган йилнинг август ойида, Россия ҳукумати раҳбари этиб тайинлангандан сўнггина кириб келган бу шахс кўпчилик учун "синалмаган от" бўлиб туюлган эди. Аммо В.Путин ўзининг зобитларга хос қатъиятлилиги ва изчиллиги билан илгари давлат хавфсизлик қўмитасининг офицери сифатида жамоатчилик ўртасида тез эътиборга туша борди. Бўлиб ўтган сайлов эса унинг энг машҳур сиёсатчи эканлигини намойиш қилди.

Сайлов арафасида кўплаб кузатувчилар Россиянинг янги президентини аниқлаш сайловнинг иккинчи турига қолишини башорат қилган эди. Мамлакат марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотлари эса Владимир Путин 52,52 фоиздан кўп сайловчининг овозини олишга муваффақ бўлганини кўрсатди. В.Путиннинг сайловдаги асосий рақиби, коммунистлар раҳбари Геннадий Зюганов навбатдаги қақшатгич мағлубиятга учради. У 30 фоизга яқин сайловчининг овозини олишга эришди, холос.

# КОМПЬЮТЕР СУЛТОНИ

Ўтган йилнинг охирларида жаҳонда фаолият кўрсатаётган юзлаб фирмаларнинг бошига зўр ташвиш тушди: "Қандай қилиб компьютерларнинг хотирасидаги ёзувларни 2000 йилда сақлаб қолиш керак?". Хайриятки, Билли Гейтс бор экан. "Майкрософт" компанияси ўзининг янги "Windows-2000" дастурини чиқариб улгурмасданоқ, АҚШ адлия вазирлиги фирманинг яккаҳукмронлигига қарши текширишларини якунлагани маълум бўлгач, дунёда янги жанжал бошланди. Бу гал фирмани жосусликда айблашди. Француз газеталарининг бирида ёзилишича, "Майкрософт" АҚШ хизматлари билан биргаликда иш олиб борар экан. Унинг эътирофича, экспортга чиқаётган компьютерларга электрон почтага, махфий ва шахсий ҳужжатларга кира оладиган кичик тизим ўрнатилган. Бу, албатта, тахминлар холос. Кўпчилик компаниянинг асосчиси, ташкилотчиси, бошлиғи Билл Гейтс бу тўс-тўполондан нари бўлиш учун истеъфо берди демоқдалар. Лекин "Майкрософт" ҳар дақиқада Гейтсга 20 минг доллар фойда келтиради-ку! У худди шу ерда ишлаб ўзининг 40 миллиард долларлик сармоясини йиққан ва жаҳондаги энг бадавлат кишига айланган.

У қип-қизил қулоқсиз бўлиб ўсди. Лекин, мустақил эди. Мактабда жуда ёмон ўқиди. Аммо, вақт ўтиши билан яхши баҳолар ҳам ола бошлади. Энг қизиғи, у уйда сира дарс тайёрламасди. Нимаики билим олса мактабда оларди. Уйда дарсликларини ҳатто очиб ҳам кўрмасди. Билл бирон ишга қўл уришдан аввал, бизнинг тилда айтганда, "етти ўлчаб бир кесарди", яъни обдон ўйларди. Бўш вақтларини компьютерларга бағишларди. Биттаяримтага керак бўлмай қолган, аҳлат қутисига ташлаб юборган компьютерга оид китобча ёки дастурни соатлаб қидириб, аҳлатхоналарни ағдар-тўнтар қилиб юборарди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, хавфсизлик тизимига калит топа олди. Энди бемалол компьютерга кириб олиб, соатлаб ўйлаб ўтирадиган бўлди. Буни билиб қолган ўқитувчилар ғазабланиб кетишди. Бўлажак даҳони компьютерга яқинлаштирмай қўйишди. Лекин, ундаги истеъдодни кўриб, гуноҳини кечиришди ва мактаб дарс жадвали учун дастур тузишни топширишди. Билл Гейтс ўзининг дастлабки 4200 долларини шу тариқа топган эди.

Билл Гейтс ўзининг дастури жаҳон фирмасига асос солганида Гарвард университетининг талабаси, йигирма ёшли йигитча эди. Учинчи курсдан университетни ҳам тарк этди. Ўзини бизнесга урди. Орадан ўн йил ўтиб, унинг номи дунёнинг кўплаб бурчакларида тилга олина бошлади. Худди шу пайтда ўзининг

*ХХ асрнинг сўнгги юлдузлари*

қадрдон мактабига 2 миллион доллардан зиёд маблағни туҳфа этди. Бу пулга мактабнинг янги математика ва табиий фанларни ўрганиш корпуси тикланди.

Билл Гейтс қанчалар бойиб кетгани сари шунчалар бетийиқ эди. Пул кўп бўлгандан кейин кўнгилга нима келса, ўшани қилавериш мумкин экан шекилли. Бундан бор-йўғи беш йил олдин у ер юзидаги барча қизларнинг орзуси эди. Бўйдоғи қурмағур қизларни хонасидаги компьютер дастури сингари алмаштириб ташлайверарди. Фақат 39 ёшга киргандагина пешонасига хотин битди. Ўзининг компаниясида савдо бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлайдиган Мелинда Френчга уйланди.

Компьютер қироли билан Мелинданинг деразалари бир-бирига қарама-қарши эди. Билл ҳар куни ишга келганида соатлаб қизни томоша қилиб ўтирар эди.

Уларнинг тўйи тўсатдан бўлди. 1994 йилнинг 1 январида Гавай оролларига Гейтснинг хос самолёти келиб қўнди. Хотинини бегона кўзлардан қизғанган миллиардер меҳмонхонанинг барча номерларини сотиб олди. Шу ердаги аэропортга келиб қўнадиган самолётларнинг нечта рейси бўлса, ҳаммасининг пулини тўлади. Учмасин деди-да. Хуллас, оролни ўзининг хотинига никоҳ совғаси қилиб берди. Никоҳ саёҳатини эса, ит қўшилган чаналарда Аляскада ўтказишди.

1996 йилнинг апрелида қизи Женефер Кетрин, бир йил ўтиб ўғли Рори Жон туғилди. Билл Гейтс хотинига ҳар гал туққанида 10 миллион доллардан "ҳақ" тўлади.

Ҳали ажабланишга эрта. Гейтснинг уйини агар таъриф қилсак, оғзингиз очилиб қолади. У, кўрган-билганларнинг сўзига қараганда, энг камида 50-60 миллион доллар турар экан! Бу данғиллама хонадоннинг умумий майдони 40 минг квадрат метр. Сузиш ҳавзалари, гимнастика заллари, теннис кортлари, ҳатто кинотеатри ҳам бор. Бу ерга ташриф буюрган одам электроника оламига тушиб қолади. Унинг кўкрагига электрон нишонча қадаб қўйилади. Келувчининг хоҳишига кўра бу тизим ажойиб мусиқа қўйиб беради. Компьютер деворларга ўрнатилган экранларда у хоҳлаган рассомларнинг асарларини намойиш этади. Нима хоҳласа бажо келтиради.

Билл Гейтс бриж ва гольф ўйнайди. Кўпроқ сув чанғиси билан шуғулланади. У автомобилларнинг ашаддий ишқибози. Шундай уйининг олдида 30та машинага мўлжалланган махсус жой бор. Унинг бир нечта автомобиллари мавжуд. Энг қимматти "Порше-959", 400 минг доллар туради. У рулга ўтирганда ҳеч қандай қонун-қоидага амал қилмайди. Шунинг учун бир кеча қамоқхона "меҳмони" ҳам бўлган.

Эр-хотин иккови ажабтовурликда бир-биридан ошиб тушишади. Бундан ярим йил олдин "Қандай яшашимизни кўришни хоҳлайсизми?" деган қабул маросими уюштиришди. Маросимда иштирок этувчилар бир миллион доллар тўлашлари керак эди. Буни қарангки, 100та хоҳловчи ҳам топилди. Барча маблағни эса Гейтс жаноблари хотини Мелинда ўқиган университетни ривожлантиришга сарф этди. Бир томони оғир ботадию, иккинчи томони хайрли, ёки "Сопини ўзидан чиқарди" шундай эмасми.



Ва ниҳоят: Билл Гейтс компаниядан мутлақо кетиб қолиш нияти йўқ. Аввало у "Майкрософт"нинг раиси сифатида қолаверади. Иккинчидан, у ўзи учун "дастурий таъминотнинг бош меъмори" мансабини ўйлаб топди. Компьютер қироли сиз билан бизнинг келажагимиз ҳақида қайғурадиган бўлди.

Биз уйдан чиқиб кетаётганимизда, нималарни ўзимиз билан бирга оламиз. Ҳужжатлар, ҳамён, ёзув дафтарчаси, калит, пейджер, яқин келажакда эса, бу буюмларнинг барчасини чўнтакка жо бўладиган битта кичик компьютер бажараверади. Энг муҳим қимматбаҳо маҳсулот олтин эмас, ахборот бўлиб қолади.

Бу менинг гапим эмас, албатта. Бу Билл Гейтснинг гапи. Яна унинг таъкидлашича, одамлар уйида ўтирволиб, хоҳ кундузи, хоҳ кечаси жаҳоннинг энг йирик кутубхоналари жовонларидаги китобларни бемалол ағдар-тўнтар қилаверадилар. Ёки исталган казинодаги ўйинларга пул тикаверадилар.

Ишонмаслигингиз мумкин. Лекин, Билл Гейтсни билганлар уни келажакни олдиндан кўра олади, деб айтадилар. Келажакни олдиндан кўра биладиган одам эса, буюк кашфиётчига айланади.

***Темур ЙЎЛДОШЕВ.***

## ЗАМИНИ ЯХШИ БЎЛДИ

АРМАНИСТОН билан Озарбайжон ўртасидаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар анчадан бери катта муаммога айланиб қолганлиги ҳаммага маълум. Яқинда ҳар икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви натижасида бу масалага бир қадар аниқлик киритилганлиги ҳаммани қувонтирди. Арманистон президенти Роберт Кочарян билан бўлиб ўтган сўнгги икки учрашув Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги барча келишмовчиликлар, шу жумладан, Тоғли Қорабоғ масаласини ҳал этиш бўйича муросага келишга замин яратди. Грузияга ташрифи доирасида ушбу мамлакат парламентида сўзга чиққан Озарбайжон президенти Ҳайдар Алиев Озарбайжон ва Арманистон муносабатларининг илиқлашуви нафақат мазкур икки давлат учун, балки, бутун Кавказ минтақасида тинчлик ўрнатилишида катта аҳамият касб этажаклигини айтган эди.

## НАТОГА ОШИҚИШМОҚДА

СЛОВАКИЯНИНГ Оврупо Иттифоқи ва НАТОга аъзо бўлишини имкон қадар тезлаштириш ҳамда Чехия, Польша, Австрия ва Венгрия билан қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш мамлакат ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакат олий қонунчилик органи матбуот котиби Ливия Шуваева халқ кенгаши, парламент давлат ташқи сиёсати бўйича шундай мақсадларни белгилаганини айтиб, бу борадаги лойиҳалар ижроси яқин уч йилда таъминланишига умид билдирди. Расмий Братислава ОИ ва НАТОга қўшилишга даъвогар давлатлар орасида биринчилардан бўлиб, бу мақсадга тезроқ етиш ниятида, деди Л.Шуваева хоним.

## ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

● ҲИНДИСТОННИНГ Калькутта шаҳрида истиқомат қилувчи Дебасис Дель дунёни пиёда айланиб чиқишга аҳд қилган сайёҳлардан бири ҳисобланади. У яқинда Эстониянинг Таллин шаҳрига келди. Унинг юриши 1991 йилда бошланган эди. Таллинда Д.Дель ўқувчилар ва балет мактаби талабалари билан учрашди. У ўз саёҳатини 2014 йилда тугатиш ниятида эканлигини гапириб берди. Ҳозирча у Бангладеш, Бутан, Непал, Таиланд, Лаос, Вьетнам, Хитой, Корея, Россия, Финляндия, Норвегия, Исландия, Австрия, Чехия, Польша ерларини босиб ўтди. Энг қизиғи шундаки, ҳиндистонлик сайёҳ барча саъй-ҳаракатларни ҳамёнида бир мирисиз амалга оширмоқда.

● МОЛДОВАНИНГ Бельци шаҳрида ғаройиб инсон яшайди. Уни кўрган кишилар Василий Лабанинг атрофидан кета олмайдилар. Чунки, унинг 61 сантиметрга етган сочи ҳаммани мафтун этади. В.Лаба сочи узун шахс сифатида Гиннес китобига кириш ниятида. Лекин, ҳозирча таиландлик Ху Семао сочининг узунлиги 5,15 сантиметрга етди. У бунинг учун 70 йил сарфлади. Аммо, текширишлардан сўнг унинг сочи Василийникидан икки марта секин ўсаётганлиги маълум бўлди.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

# ВАТАН ЮРАГИГА АЙЛАНСИН ШОИР

## ЎЗБЕК ЭЛИМ

*Юртимизнинг оҳулари, шерлари бор,*
*Оҳудай қиз, шердай мағрур эрлари бор.*
*Қадоқ қўлли, манглайида терлари бор,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Даласида иш бошланар тонги билан,*
*Ғурурлангум юртнинг олис донғи билан,*
*Дунё яшнар унинг ақл-онги билан,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Эрта баҳор не эксак куз ҳосил олар,*
*Бойлик топса боласига бино солар,*
*Бурда нонни дўстлари-ла баҳам кўрар,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Қарори бир, тилаги бир, имони бут,*
*Дастурхондан аримайди барака-қут.*
*Кўнгли очиқ, виждони пок мисоли сут,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Чингизхоннинг қиличини синдирган эл,*
*Ўз элатин дунё қадар билдирган эл,*
*Бизга улуғ Туркистонни қолдирган эл,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Ўз элини якта тилу, якта қалам,*
*Навоийси айлаганди чекиб алам,*
*Ўзбек дея билар уни бутун олам,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Мана, бугун манглайига ҳумо қўнди,*
*Қайта элнинг юрагида умид унди,*
*Эркка етган эл бошида қуёш кулди,*
*Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.*

*Собир ОЛИМЖОН.*
*Юқоричирчиқ.*

**Шеър — кўнгилда кўкарган гул. Бу гул латиф сўзлар кўзгусида жилоланади. Бу жило кўзни қамаштирмайди. Аксинча, юракни туғёнга солади. Кўксингни куйдиради. Куйган кўнгил кўзи билан эса, инсон дунёни рангин кўради. Дард билан яшайди, муҳаббат билан яшайди.**

**Муҳаббат... Шабнамдек тиниқ туйғу. Зотан, муҳаббат Аллоҳга, Ватанга, Инсонга, Онага, Ёрга, Гўзалликка... Унинг чеки, чегараси йўқ. Чунки ҳар бир эзгулик, ҳар бир гўзаллик инсон қалбида муҳаббат уйғотади, яшашга чорлайди. Яшаш эса бениҳоя завқли. Йиғлаб, йиғлатиб, кулиб, кулдириб яшашнинг ўзи шоирлик. Таъбир жоиз бўлса, шоирларни юртнинг юраги, дегим келади. Зеро, юрак ором билмайди. Ором ахтарган шоир эса, яхши шеър ёзолмайди. Яхши ижодкорлари бор элнинг, табиийки, кўкси сарбаланд бўлади.**

**Яратганга шукрким, Тошкент вилояти найинки ўзининг гўзал табиати, беназир бунёдкор инсонлари, айни пайтда иқтидорли санъаткорлари, ижодкорлари билан ҳам республикамиз адабий харитасида ўз ўрнига эга. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан ўтказган учрашувда айрим ижодкорларимиз номларини тилга олганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.**

**Маълумки, яратиш, бунёдкорликнинг бошқа жабҳаларида бўлгани каби, адабиётимизнинг эртанги истиқболи бугунги ёш ижодкорларимизнинг камоли билан ўлчанади. Қумга ёки кулга кўмилиб ётган олтиндан заргарга наф бўлмагани каби, ижодкор яратган бирон-бир бадиий асар ўз ўқувчисига етиб бормаса, дафтарлар қатида қолиб кетса, ҳеч кимнинг кўнгил кўзи очилмайди.**

**Албатта, биз бугун Навоий, Бобур, Машраб, Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек каби ўнлаб буюк қалам соҳибларига авлод эканлигимиздан фахрланамиз. Зотан, бизлар шундай бир муқаддас заминда туғилганмизки, унинг ҳар қарич ерида гул унади. Ҳар уч боласининг бири шоир. Ҳурматли Президентимиз таъкидлаганидек, келажак авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолиши керак. Айни пайтда шу Ватан ижодкорлари яратган асарлар ҳам. Шу боис вилоятимиз туманларида яшаб ижод қилаётган ёшларимизнинг кўнглига қулоқ тутиш, уларнинг ижодий изланишларини рағбатлантириш, илк тўпламлари нашрига ҳомийлик қилиш, жойларда элга оталик қилаётган раҳбарларнинг инсоний бурчи десак, хато бўлмас.**

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими вилоятимиз ёш ижодкорлари асарларидан бир гулдаста тайёрлади. Ниятимиз уни китоб ҳолида чоп этиш. Қуйида эса, Сиз азизларга ана шу тўпламда номи зикр этилган ёшларимиз ижодидан намуналар туҳфа этмоқдамиз.**

**Албатта, уларнинг ҳар бири ўз йўлини ахтармоқда. Айримлари юртимизнинг адиблари назарига тушган. Келинг, азизлар, яхшиси Сиз уларга ўзингиз баҳо беринг. Зеро, ҳар кўнгилнинг дарди бўлак. Шеър эса дарднинг, қувончнинг, ҳайратнинг маҳсули. Инсон қалбида дардга, қувончга, ҳайратга ҳамиша жой топилади.**

***Маҳмуд ТОИРОВ,***
***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимининг раиси.***

## ИШОНЧИМ

*Меҳримнинг оташида эриб-эриб яшайсиз,*
*Кўзларимнинг нурида балқиб-балқиб яшайсиз.*
*Сўзларимнинг сеҳридан қалқиб-қалқиб яшайсиз,*
*Алдовларнинг уйида меҳмон бўлмангиз фақат.*
*Ишончим жон-жойидан узиб қўймангиз фақат.*

*Кўнгилгинам кўзлари қатра ёшли, билсангиз,*
*Бу дунёнинг ранглари турфа тусли, билсангиз,*
*Гоҳи алам, гоҳ шодлик — ҳаёт шудир, билсангиз,*
*Орзуларим ёлғонга ошно қилмангиз фақат,*
*Ишончим жон-жойидан узиб қўймангиз фақат.*

*Умидларим сарбаланд, унга етмоқлик мушкул,*
*Шоирона қалбимнинг изтироблари кўпдир,*
*Умидли бу дунёда бахтли инсон — кимдир ул?*
*Умрнинг поёнида афсус қилмангиз фақат,*
*Ишончим жон-жойидан узиб қўймангиз фақат.*

*Муқаддас ИСМАТОВА.*
*Олмалиқ.*

## БАҲОР МАНЗАРАЛАРИ

*Ҳиром этар қувноқ шаббода,*
*Дилафрўздай ял-ял турланиб.*
*Турфа гуллар лабида ханда,*
*Олқиш айтар севинчга тўлиб.*

*Рангга тўлар ҳар битта дарахт,*
*Сой юзини тўлқинлар чайқар.*
*Бундай дамда ким ётар карахт,*
*Ахир Баҳор қўшиғин айтар.*

*Сутга тўйган қўзичоқ қирда,*
*Улоқ билан ўйнашиб чопар.*
*Янги келин бўртиб тандирда,*
*Кўк ялпиздан сомсалар ёпар.*

*Қаердадир вовуллади ит,*
*Сезиб қолиб кимнингдир изин.*
*Балки чертиб кетгандир йигит,*
*Чиққил, дея қиз деразасин.*

## ОЙХОНА

(Халқ йўлида)

*Узоқ тунлар нималарни ўйлайсан,*
*Овжаз қолиб қайси тоғни куйлайсан,*
*Ўтиб қолсам, деворингдан бўйлайсан,*
*Сўзлар отсам, тошлар отма, Ойхона.*

*Болишларинг ботмайдиму бошингга,*
*Ўйлаганда кимлар келар қошингга.*
*Ошиқ эмиш бир нечалар ошингга,*
*Ош баҳона борсам қувма, Ойхона.*

*Тўйда кўрдим сендайин ҳур жамолни,*
*Шунда кўрдим бахтга тўлган камолни,*
*Сулув эдинг, орзуладим висолни,*
*Қалбга ёқдинг ишқ ўтини, Ойхона.*

*Тақдир қўшса тўй қилишга тезладим,*
*Сендан гўзал гул унишин кўзладим,*
*Бўйларигга бўй бўлишни сўзладим,*
*Совчи борса қовоқ уйма, Ойхона.*

*Абдумўмин МАШКУРОВ.*
*Оҳангарон.*

## БАҒРИТОШ ЙИГИТГА

*Тик эди қомати, эгилиб қолди,*
*Кўзлари йўлингда интизор толди,*
*Кексаликни секин бўйнига олди,*
*Кўргинг келмайдими онажонингни?*

*Бу дунёда бори ёлғиз сен эдинг,*
*Тириклай бағрини кемирдинг, единг,*
*Дардманд бўлиб қолди, ташладинг кетдинг,*
*Нечун ўкситгайсан меҳрибонингни?*

*Айт-чи не қиласан бағрини эзиб,*
*Шундай пайтлар келар, ҳаётдан безиб,*
*Ёлғиз қолганингни ўша чоғ сезиб,*
*Қайда деб изларсан меҳрибонингни.*

*Самога боқасан, тўкилар ёшинг,*
*Мажнунтол мисоли эгилар бошинг.*
*Дарё-дарё бўлиб оқар кўз ёшинг,*
*Излайсан, топмайсан онажонингни.*

*Ўшанда эй ўғлон, бўлар жуда кеч,*
*Аввалроқ онангни ўйламовдинг ҳеч,*
*Яшамоқ нимадир, ўзинг ўйла, еч,*
*Топмассан сен ортиқ қадрдонингни!*

*Зулфия КЕЛДИМУРОД қизи.*
*Бекобод.*

## КЎНГИЛ

**Чиннида чой ичдингиз,**
**Сополида биз ичдик...**
**Кўнгил бизларда ҳам бор! —**
**Узр, бироз қизишдик.**

**Гиламдан буюрдингиз,**
**Шолчадан туриб бордик...**
**Кўнгил бизларда ҳам бор,**
**Юзимиз буриб бордик.**

**Эгарлатиб отингиз —**
**Миндирмай ҳам кетдингиз.**
**Манзилингиз бизларга —**
**Билдирмай ҳам кетдингиз...**

**Ортингиздан бориш ё**
**Бормасликни билмадик.**
**Бизга биров зорми ё,**
**Зормаслигин билмадик...**

**Чиннида чой ичдингиз,**
**Сополида биз ичдик.**
**Кўнгил бизларда ҳам бор,**
**Узр, бироз қизишдик.**

*Усмон БЕК.*
*Паркент.*

### Шингил ҳикоялар

## СИРЛИ ОНЛАР, СИРЛИ ОДИМЛАР

***ОППОҚ, ойдин, уйқусиз тунларда бувамнинг айтган ширин-ширин эртаклари-ю, доно ўгитлари кечагидек ҳамон эсимда. Ўшанда юлдузларга термулганча бувамга савол берардим:***
***– Бува, қачон мен ҳам катта бўламан?***

Шунда бувам бошимни силаб:

– Сабр қил, болам, "сабрнинг таги олтин", – дердилар.

– Нега бу дунёни бир кам дунё дейишади, бувайжон?

– Ўқиб, билим ол, катта бўлгач, ўзинг тушуниб оласан...

Умрни оқар дарё деб бежиз айтишмаган экан. Кечагина бола бўлиб, катталарга ҳавас билан боқиб, катта бўлишга интилдик. Йиллар ўтиб, келажак орзусида яшаб, мана улғайиб бордим. Болаликда бувамга берган саволларга жавоб изладим.

Ҳа, бу ўткинчи дунёда барчага бирдек насиба улашилмаган. Кимдир бир тирноққа зору, кимдир уни хор қилмоқда. Яна кимдир ҳаётда ўз йўлини топиб, бахтли, кимдир ўша ҳаёт сўқмоқларида адашиб, бахтсиз яшамоқдалар. Баъзи ҳолларда ота-оналар фарзандлар тарбиясига эътибор бермай, кўнгли тусаган ишларни қилиб, хоҳлаган нарсаларини олиб, уларнинг эрка, тантиқ бўлиб вояга етишишига сабаб бўлмоқда. Натижада, бундай эрка ўсганларнинг баъзилари ота-онасини қариган чоғларида қариялар уйига олиб бориб ташламоқдалар. Ёки аксинча, бойбадавлат яшайди-ю, лекин биргина чақалоқ овозига зор оилалар қанча! Улар болалар уйидан гўдак олиб, ўша ташлаб кетган, адашган онанинг меҳрини бериб, вояга етказишмоқда. Фарзандларимиз – бу оиламиз келажаги, қариган чоғимизда суянчиғимиз, давомчимиз. Наҳотки буни тушунмасалар, бир кун келиб ўша гўдак улғайиб, бўй чўзиб, кўзи-кўзига тушган вақтда, ота-она қандай ҳолга тушар экан. Буни ўша фарзанд кечирадими?

Кўпчилик ҳолларда инсонлар бой-бадавлат бўлиб кетсалар, ман-мансираб, қадрдон дўстини, қариндошларини танимай қолишади. Вақт ўтиб, бойлик кетиб, бошига кулфат тушганда, буни англаб етади. Лекин, у вақтда кеч...

Ҳа, бу дунёнинг ишлари қизиқ экан... Аммо биз инсонлар бу ўткинчи дунёда, унинг синовларидан ҳамиша эзгулика интилиб, сабр-бардошли, мурувватли, гуноҳдан йироқ, покликка яқин бўлишга интилайлик. Сирли бу дунёда инсонларга хос дадил одимлар отайлик. Чунки, бу дунёни бир кам дунё, дер эканлар...

## БОСГАН ИЗЛАР ЭНДИ ҚАДРДОН

***Кўклам кунларининг бири эди. Ишдан қайтаётиб, қишлоқ ўртасидаги катта чинор ёнидан ўтиб бораётганимда, бир мўйсафид отахонга кўзим тушди. Отахон чинорга суянганча хаёл суриб ўтирар эди. Чеҳраси маъюс, кўзларида ёш кўрдим. Бирон кор-ҳол рўй бердимикин ёки тоби қочиб қолдимикин деган хаёл билан аста-секин ёнига бориб, салом бердим. У саломимга алик олдида, ёнига ўтиришни сўради. Ҳайрон бўлиб, ёнига ўтирдим.***

– Ўғлим, мана шу чинорнинг қанча ёшда эканлигини биласанми? Бир аср юзини кўрган бу чинор. Мендан учтўрт ёш катта. Раҳматли отам мен туғилмасимдан аввал яхши ниятлар билан шу дарахтни эккан эканлар. Бу мен каби тарихнинг кўп сирларига гувоҳ бўлган. Отам вафот этганида, мен саккиз ёшли бола эдим. Ўша болалик дамларим мана шу чинор остида ўтди. Тупроқ кўчаларда чопқиллаб шодон кулиб, ўртоқларим билан чинор шохларига чиқиб ўйнаб, яйраб ўсдим, улғайдим... Фарзандларимга ҳам мана шу чинор остида эртак айтиб берардим. Йиллар ўтиб, улар ҳам улғайди. Лекин, орада номинг ўчгур уруш бошланди. Икки ўғлимни оқ фотиҳа бериб, кузатиб қўйдим. Аммо улардан қора хат олдим, жангда ҳалок бўлишган экан...

Шу-шу отам эккан чинор, ўзимнинг, фарзандларимнинг ўтган болалиги, айтиб берган ширин эртакларим хаёлимдан сира кетмайди. Шунинг учун, у менга қадрдон бўлиб қолган. Энди-чи? Энди мана шу чинор барглари ҳам тўкилмоқда, менинг ҳам умрим тугамоқда. Ҳаётим мана шу чинорга ўхшасайди... Худога шукурки, ҳозир юртимиз тинч, осойишта, ҳамма имкониятлар бор. Сенларни кўриб навқирон ёшлигимни, беғубор болалигимни эслайман. Қанийди, ўша тотли дамларим ҳозирги даврга тўғри келса, ушалмаган орзуларимни, қилолмаган эзгу ишларимни амалга оширсам деб орзу қиламан. Лекин, афсуски, умр ортга қайтмас экан, болам. Бу дунёда иложи борича умрингни беҳуда сарф қилма, ҳамиша юрт учун, халқ учун ҳалол ҳизмат қил.

Мўйсафид шундай дедида, ўрнидан турди.Хайр, деб хассасини дўққилатганича уйи томон йўл олди...

Бобони кузатиб қолар эканман, дилимдан бир ўй ўтди: инсон давр ўтган сари улғайиб, сочига оқ тушган, қарилик гаштини сурган вақтдагина ўтган умрининг қадрига етар экан...

***Улуғбек АБДУЛЛАЕВ.***
***Қуйичирчиқ тумани.***

## КЕЧИРА ОЛМАЙМАН

**Кечира оламан дўстим адашиб**
**Билмасдан дўстликка қилса хиёнат.**
**Кечира оламан ҳатто ваъдага,**
**Яхшиликка қилса хиёнат,**
**Фақат...**

**Тиз чўкиб ёлворса, ўтинса, ҳатто,**
**Белансада айбин ювмоқчун қонга.**
**Кечира олмайман икки дунёда**
**Хиёнат қилганни халққа, Ватанга.**

## КУЗГИ ЯПРОҚЛАР

**Айрилиқ азобин олдиндан сезиб**
**Ҳижрон рангин олган кузги япроқлар.**
**Шоҳда силкинарлар алвидо айтиб**
**Аччиқдир висолдан кейин фироқлар!**

**"Бунча ҳам бешафқат бўлмаса тақдир",**
**Чайқалар инграниб дарахт бошлари.**
**Умр кузи келди. Бахтга тўймаган —**
**Япроқлар дарахтнинг аччиқ ёшлари.**

*Жамила АРСЛОНОВА.*
*Зангиота.*

## ФАРЗАНДЛАРИМГА

*Сизга жоним нисор, кўзларим фалак —*
*Паноҳимда мудом сақлаб яшайин.*
*Ахир заминга ҳам парвариш керак,*
*Изингиз тириклик сари бошлайин.*
*Сиз ғўр ниҳолларим, еласиз ғир-ғир,*
*Митти куртакларим, беғубор, бегард.*
*Сизни опичлаган елкалар сағир,*
*Илоҳим, чўктириб қўймасин-да дард.*
*Кулгунгиз нур элтар қорачўғимга,*
*Йиғингиз борлиқдан этади огоҳ.*
*Кошки кўнсайдингиз бору йўғимга*
*Бўла олсам доим мустаҳкам паноҳ!*
*Пошшо юрагингиз нени истайди,*
*Имконни қул қилиб этай муҳайё.*
*Қадамлар умрни олдга қистайди,*
*Умр-чи, бешафқат, тўхтамас асло.*
*Сиз менинг энг ноёб гавҳарим-тожим,*
*Қаерга бормайин, ўй-хаёлимсиз.*
*Сиз отинойимсиз, сиз менинг ҳожим,*
*Соғинчдан топилган чўнг иқболимсиз!*
*Бетин ёлбораман Сизни деб Ҳаққа,*
*Кўксингизга бўлай мангулик тумор.*
*Тунлар айланайин ёруғ чироққа,*
*Кундуз кўзингизга бўлайин баҳор,*
*Сизга жоним нисор, кўзларим фалак —*
*Хавотир-ҳадикдан асрасин Аллоҳ.*
*Бу кемтик қалбга ҳам бир меҳр керак.*
*Кўзингиздан меҳр ичайин, илло,*
*Сизга жоним нисор, юрагим ҳалак...*

*Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.*
*Ангрен.*

## ВИСОЛ

*Булутлар йиғласа дилни тунд этма,*
*Кўзлар гоҳ қувончдан, гоҳ ғамдан йиғлар.*
*Эркам, қучоғимда тингла кўнглимни,*
*Кўнглим баҳорлардан ненидир илғар.*

*Ғунча бошидаги яшил рўмолин,*
*Елкасига ташлаб очилмагунча.*
*Булбул не ҳасратли тунларни кечар —*
*Бағрига гул атри сочилмагунча.*

*Висол буюк неъмат, висол бутун бахт.*
*Унинг чун не-не дил мангу ёнгайдир.*
*Ким билади, балки булут ортида,*
*Қуёш билан ҳилол учрашаётгандир.*

## НЕЧУН

*Куртаклар очилиб: юз очган гуллар,*
*Дарахтлар ям-яшил салтанат тузган.*
*Инсон ҳам ниҳоли бу табиатни,*
*Табиат азалдан қонунни бузган.*

*Дарахтларда эрк бор, сўзлайди унсиз,*
*Барча ноҳақликка гувоҳдир очун.*
*Каллакланган тутлар шоҳлаб кетару*
*Каллакланган тиллар шоҳламас нечун.*

## ЛОЛА

*Баҳор яшил адирларида,*
*Қалабди ол гулханларини.*
*Юрак каби ёнади улар,*
*Кўз-кўз қилиб гултанларини.*

*Узма қирнинг олов тожларин,*
*Қалбларга пок нури сочилар.*
*Улар умрин тиккан ёнишга,*
*Қанча ёнса, шунча очилар.*

*Шуҳрат ТОҲИР.*

## ЁМҒИР

*Ёмғир чиндан насиба,*
*Дастурхонда нон бўлар.*
*Чеҳраларга нур кириб,*
*Гўё олам шод кулар.*

*Ёмғир ёғса яшил ранг,*
*Тўн кияди далалар.*
*Борлиқ кўрки очилар,*
*Кўриб қувнар болалар.*

*Ёмғир – очил дастурхон,*
*Насибамиз мўл бўлсин!*
*Мўл ҳосил шарофати.*
*Ризқимиз ҳам кўл бўлсин!*

*Асом ЗИЁМАТОВ.*
*Паркент.*

## "САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ"

Абдулла Қодирий номидаги нашриётнинг "Соғлом авлод йили"даги иш режасида кўплаб ноёб асарларни нашр этиш кўзда тутилган. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда тайёрланаётган "Саломатлик сирлари" китобидир.

Жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган қомусий олим Абу Али Ибн Синонинг турли йилларда ёзилган тиббий асарларидан жамланган ушбу тўпламда инсон аъзоларида учрайдиган турли касалликлар ва уларни даволаш йўллари тўғрисида ҳикоя қилинади. Кўп минг нусхада чоп этиладиган мазкур китоб тиббиёт ўқув юртлари талабалари ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

***(ЎзА).***

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 29 март — 2 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг иккинчи ярмида вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Шарқдан ғарбга томон эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрга етади. Ҳарорат кечалари 4-9, кундуз кунлари эса 15-20 даража илиқ бўлади. Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат пасайиши мумкин. Кечалари 0-5 даража, кундуз кунлари 10-15 даража атрофида илиқ бўлади

Оққўрғон туманидаги, "Султонобод" жамоа хўжалиги тугатилиб, "СУЛТОНОБОД" ширкат хўжалигига айлантирилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида 8(255)-21-333 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бўка туманидаги "Мустақил Ўзбекистон" жамоа хўжалиги "Мустақил Ўзбекистон" ширкат хўжалигига айлантирилиши муносабати билан
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида 8-(257)-35-875 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-185. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Қодиржон ҚАЮМОВ. Адади 14.669 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5 6